


 Sahifani PDF tarzda yuklab olish (50 Kb)  Versiyasi  Sahifani doc tarzda yuklab olish (50 KB)


## Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashining 2013 yil 19 iyu'ndagi 158-sonli qaroriga uzgartirishlar kiritish tug'risida

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ		ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИНГ ҚАРАРЫ
Нукус шаҳри		Ноҳис қаласы
№ 181	25	июль 20 13 й.ж

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 19 июндаги 158-сонли қарoriga ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-605-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги «Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотлар сотиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 89-сонли қарорларига мувофиқ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаларини бериш бўйича Махсус комиссия ишини тартибга солиш ва алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчи корхоналарга алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаларини белгиланган вақтда берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 19 июндаги 158-сонли қарори билан тасдиқланган «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномаларини бериш бўйича Махсус комиссия» таркиби айрим комиссия аъзолари ва комиссия раисининг иш ўринлари ўзгариши муносабати билан иловага мувофиқ янги таркибда тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Мамутов зиммасига юклатилсин.


Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси  Янгибаев

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги алкоғолли  
маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат  
гувоҳномаларини бериш бўйича махсус комиссия

ТАРКИБИ

М.Мамутов	- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, комиссия раиси
Р.Палванов	- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси, комиссия котиби
	комиссия аъзолари:
И.Сайдиқаримов	- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи
Лавозими бўйича	- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи
Р.Сейтмуратов	- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори
Қ.Қурбаниязов	- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
А.Джураев	- Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси бошлиғи
Ж.Шаниязов	- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи в.в.б.
Х.Елмуратов	- «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси

Эслатма: Комиссия раиси ва аъзолари бошқа ишга ўтган таҳдирла-ўрнига шу лавозимга тайинланган янги раҳбар комиссия таркибига киририлди



Кo'rib chiqildi:

IZLASH



- [Vazirlar Kengashi](#)
- [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
- [Vazirliklar va idoralar](#)
- [Shahar va tuman hokimliklari](#)
- [Hujjatlar](#)
- [Respublika mehmonlariga](#)
- [Elektron hukumat](#)
- [Interaktiv davlat xizmatlar](#)